



Emotive phraseological units – as a reflection of emotions (based on the material of the French language)

Laylo DOLIYEVA ¹

Samarkand State Institute of Foreign Languages

ARTICLE INFO

Article history:

Received January 2023

Received in revised form

10 January 2023

Accepted 25 February 2023

Available online

15 March 2023

Keywords:

emotionality,
emotionality,
emotive phraseological
units,
mental state,
feeling,
nominal phraseological
units,
verbal phraseological units.

ABSTRACT

In this article, some linguistic and psychological features of emotive phraseology are analyzed on the example of French phraseology. In particular, the level of research of French emotive phraseological units in the field of emotiology, the views of researchers regarding the category of “emotionality” and some linguo-cognitive features of nominal and verbal phraseology in French phraseology are discussed. Through this, special attention is paid to the classification features of emotive phraseology from a logical and psychological point of view.

2181-3663/© 2023 in Science LLC.

DOI: <https://doi.org/10.47689/2181-3701-vol1-iss2-pp22-30>

This is an open-access article under the Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) license (<https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/deed.ru>)

Эмотив фразеологизмлар – ҳиссиётлар инъикоси сифатида (француз тили материалида)

АННОТАЦИЯ

Калит сўзлар:

эмоционаллик,
эмотивлик,
эмотив фразеологизмлар,
руҳий ҳолат,
ҳис-туйғу,
номинал
фразеологизмлар,
вербал фразеологизмлар.

Ушбу мақолада эмотив фразеологизмларнинг айрим лингвопсихологик хусусиятлари француз фразеологияси мисолида таҳлил қилинган. Хусусан, айнан французча эмотив фразеологик бирликларнинг эмоциология фани доирасида тадқиқ этилиш даражаси, тадқиқотчиларнинг “эмотивлик” категорияси борасидаги қарашлари ҳамда француз фразеологиясидаги номинал ва вербал фразеологизмларнинг айрим лингво-когнитив хусусиятлари тўғрисида фикр юритилган. Бу орқали эмотив фразеологизмларнинг мантиқий ва психологик нуқтаи назардан таснифий хусусиятарига алоҳида эътибор қаратилган.

¹ Teacher, Samarkand State Institute of Foreign Languages. E-mail: ldoliyeva@mail.ru

Эмотивные фразеологизмы – как отражение эмоций (на материале французского языка)

АННОТАЦИЯ

Ключевые слова:

эмоциональность,
эмотивность,
эмотивные
фразеологизмы,
психическое состояние,
чувство,
именные фразеологизмы,
глагольные
фразеологизмы.

В данной статье анализируются некоторые лингвopsихологические особенности эмотивных фразеологизмов на примере французской фразеологии. В частности, исследуется уровень изученности французских эмотивных фразеологических единиц в области эмоциологии, взгляды исследователей на категорию «эмотивность», а также взгляды на некоторые лингвокогнитивные особенности именных и глагольных фразеологизмов во французской фразеологии. При этом особое внимание уделяется классификационной характеристике эмотивных фразеологизмов с логической и психологической точки зрения.

Тил – жамиятда нафақат кишилар ўртасидаги коммуникатив алоқа воситаси сифатида маълумотларни узатиш, қабул қилиш ва уларни қайта ишлаш учун зарур бўлган муҳим ижтимоий ҳодиса, балки, у сўзловчининг фикр ва истакларини, қолаверса, эмоция ва ҳис-туйғуларини ифодалашга ёрдам берувчи таъсир воситаларидан биридир. Бир қатор тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, ҳатто тилда ҳам кишиларнинг эмоцияларини эътиборсиз қолдирмаслик лозим (Бабенко, 1989; Шаховский, 2008). Бундай ғоя замирида эса XX асрнинг охирларида тилшуносликда “эмоция лингвистикаси” ёки “эмоциология” номли янги йўналиш пайдо бўлди ва у ҳозирги кунда изланувчилар томонидан фонетик бирликлардан тортиб, то матн даражасида кенг тадқиқ этиб келинмоқда.

Тилшуносликда эмоцияни ифодалаш учун тил сатҳидаги барча бирликлардан кенг фойдаланилади, хусусан, фонетик, лексик ва грамматик каби воситалар шулар жумласидандир. Масалан, Е. Реформатский эмоция пайдо бўлишидаги энг асосий омиллар сифатида оҳанг, урғу ва тон каби просодик воситаларни эмоционал мулоқотнинг асосий воситаларидан бири сифатида келтириб ўтади (Реформатский, 1955: 239). Бундай просодик воситалар эмоционал мулоқотнинг фақат вербал шаклларида, яъни нутқий жараёнларда акс этишини алоҳида таъкидлаш лозим. Шунга кўра, Ш. Балли ҳам аффектив ҳолатларнинг бирортаси “оҳангсиз сўз” орқали ифодаланиши мумкин эмаслигини ва тинловчига нисбатан ҳеч қайси лингвистик восита “эмоционал оҳанг” сингари кучли таъсир кучига эга эмаслигини қайд этади (Балли Ш. 1961: 351). Шунингдек, профессор Ш. Сафаров ҳам нутқий фаолиятдаги эмоционалликнинг турли кўриниш ва даражаларини тавсифлашда нутққа хос ҳис-туйғуни изҳор этиш мақсади ва модаллик мазмуни билан бир қаторда тоналлик, яъни оҳангдошлик ҳодисасини ҳам инобатга олади (Сафаров, 2008: 201). Ҳақиқатдан ҳам, ушбу ҳолатни француз тили мисолида *A la bonne heure!; Bon Dieu!; Oh, là-là!; Allez-y !; Bon courage!;* каби ибораларда яққол кўриш мумкин.

Тилнинг лексик-семантик сатҳига тегишли тил бирликларидан сўз, сўз бирикмаси ва ФБлар ҳам эмотив маъно ҳосил қилиш жараёнида ўта фаолдир. Ҳатто, шуни айтиш жоизки, бу борада тилшунослар орасида “эмоция лексикаси” ва

“эмоционал лексика” деган тушунчалар ўртасидаги ўзаро фарқни аниқлаштириш ҳам ечим талаб масалалардан бири бўлган. Яъни, “эмоция лексикаси” – В.И. Шаховский таърифлаганидек, руҳий ҳолатларни объективлаштирувчи, “эмоционал лексика” эса – экспрессив ва прагматик функцияни бажарувчи ҳамда “эмотивлик” атамаси билан боғлиқ луғавий бирликлардир (Шаховский 2008: 12). Қолаверса, бир гуруҳ тилшунослар “эмоционаллик”ни – соф психологик тушунча сифатида, “эмотивлик”ни эса – соф лингвистик тушунча сифатида талқин қилади. Яъни, “эмоционаллик” – кишиларнинг психик ҳолатини акс эттирса, “эмотивлик” эса – сўзловчи эмоциясининг вербал тарзда ифодаланишидир (Маслова, 1990; Шаховский, 1983). Шу нуқтаи назардан олиб қараганда, эмоционал ҳолатнинг вербаллашуви лексик, қолаверса, фразеологик бирликлар орқали янада экспрессив тарзда амалга ошади. Шундай экан, руҳий ҳолатни ифодаловчи ФБларни ҳам юқорида таъкидланганидек, *эмотив ФБлар* тарзида номлаш мумкин, бинобарин, “эмотивлик” атамаси сўзловчи эмоциясининг вербаллашувидан далолат беради.

Кишиларнинг мулоқот жараёнидаги эмоционал ҳолатларини мукамалроқ тарзда ифодалаш борасида фразеологик бирликларнинг ўрни аҳамиятлидир. Чунки улар эмоционал-баҳоловчи ва экспрессив хусусиятлардан иборат тил бирликлари саналади (Ashurov Sh., Suvonova, 2022). Шунингдек, инсон ҳис-туйғу ва эмоциясини ифодаловчи ФБларнинг ўзи инсонлар ички ҳиссий ҳаётининг намоён бўлишини тавсифлайди ва уларни фразеологлар таъбири билан айтганда, “инсон ҳиссиётлари инъикослари ва баҳолари ойнаси” сифатида акс эттиради (Ройзензон, Авалиани, 1967: 75).

Кишиларнинг эмоция ва ҳис-туйғуларини комплекс таҳлил қилиш имконияти айнан тилнинг фразеологик бойлиги орқали кенгроқ амалга ошади. Чунончи, фразеологизмлар инсонлар эмоционал ҳолатини мукамал тарзда ифодалаган ҳолда уларнинг ички дунёсида бошдан кечираётган ҳиссиёт, характер, хулқ-атвор ва инсон танасидаги физиологик ўзгаришлар тўғрисида ишончли маълумотларни акс эттира олувчи ягона лисоний воситалардан бири саналади. Фразеологизмлар ҳар бир миллатнинг кўп асрлик билим, маданият, анъана ва воқелик тажрибаси сингдирилган энг ихчам, жонли, образли, таъсирчан, самарали ва консерватив ҳисобланган лингвистик универсалликдир, шу сабабдан ҳам тилнинг фонетик, морфологик, лексик, грамматик сингари лингвистик компетенцияларини тўлиқ ўзлаштирмасдан туриб, фразеологик соҳани забт этиб бўлмайди.

Шундай экан, эмотив ФБларни тавсифлаш ва ўзига хос тарзда таснифлаш давомида морфологик, лексик, семантик, структур ва бошқа аспектлар нуқтаи назаридан мукамал ўрганиш жоиз. Бинобарин, тадқиқотимиз объекти ҳисобланган французча эмотив фразеологик бирликлар (кейинчалик ЭФБ) ҳозирга қадар етарли даражада ўрганилмаганлиги инобатга олинса, уларни комплекс тарзда ўрганиш ҳам бир қатор мақсадли изланишларга кенг йўл очилади. Зеро, француз тилидаги ЭФБлар тадқиқи кўламига эътибор қаратилса, уларнинг ҳали деярли ўрганилмаган қирралари мавжудлиги маълум бўлади. Бу борада *эмоциология* фани пайдо бўлгандан буён француз фразеологияси доирасида амалга оширилган қуйидаги илмий изланишларини санаб ўтиш мумкин. Хусусан, И.И. Синельникова (2013), Л.Н. Гурскаялар (2022) француз тилидаги ЭФБларнинг структур-семантик хусусиятларини, Н.В. Луговая (2007) ва П.Н. Кононовалар

(2012) уларнинг ўзига хос миллий-маданий хусусиятларини, Ф.Бэдер (2012) ва К.Кортеслар (1999) французча ЭФБларнинг когнитив хусусиятларини, Т.А.Новецкая (2008) концептуал хусусиятларини, Е.Н.Белая (2006) етакчи эмоцияларнинг назарий асосларини, Н.А.Хомякова (2008) эса французча ЭФБларнинг қиёсий аспектдаги контрастив хусусиятларини тадқиқ этган. Шунингдек, французча ЭФБларнинг рус, инглиз, немис, турк ва бошқа тиллар билан қиёсий хусусиятлари бир қатор изланишларда ўз аксини топган. Бундан ташқари, тадқиқотчилар (Корради, 2008; Мусинова, 2012) ЭФБларнинг бадиий матнларда ифодаланиш хусусиятларига алоҳида эътибор қаратган.

Агар ЭФБларга мантиқий ва психологик нуқтаи назардан ёндашган ҳолда назар ташланса, уларнинг вазифаси эмоционал мулоқот жараёнини тавсифлашдан иборат эканлиги намоён бўлади. Бинобарин, В.И.Шаховский таъкидлаганидек, тил ҳиссиётларни ўрганишнинг калитидир. У эмоцияларни ифодалайди, тавсифлайди, тасвирлайди, таснифлайди, категориялаштиради ва шу орқали оламнинг фразеологик воситалардан иборат эмоционал манзарасини шакллантиради. Уларни антропоцентрик илмий парадигма доирасида ўрганиш эса кишиларнинг ўраб турган борлиқдаги ўрнини англашга ёрдам беради (Шаховский, 2007:3).

Ушбу жараёнда кишилар нарсаларнинг маълум бир ҳолатини жисмонан идрок қилиши ёки ақлий тафаккур қилиши мумкин ва бу орқали турли эмоциялар ҳосил бўлади. Шунга кўра, Ю.Д.Апресян эмоцияларни жисмоний идрок ва ақлий тасаввур нуқтаи назаридан уларнинг қуйидагича шакллари мавжудлигини таъкидлайди (Апресян, 1995:50):

1) Субъектнинг ақлий тафаккури орқали берилган баҳо натижасида пайдо бўладиган ижобий ва салбий эмоциялар;

2) Хусусий, яъни ички қалб ҳис-туйғуларидан келиб чиқадиган эмоциялар;

3) Субъектнинг ташқи ҳолатида намоён бўлувчи эмоциялар. Бунга содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга нисбатан тананинг назоратсиз физиологик реакциялари ҳамда тана ва нутқни бошқаруви назоратли реакциялар киради.

Агар французча ЭФБлар ҳам Ю.Д.Апресян таҳлилига кўра таснифланса, уларга қуйидагича мисолларни келтириш мумкин бўлади:

1) Субъектнинг ақлий тафаккури орқали берилган баҳо натижасида пайдо бўладиган эмоциялар:	<i>tourner au noir</i> – тушкунликка тушмоқ; <i>rayonner de bonheur</i> – бахтдан ҳузурланмоқ; <i>se mettre martels en tête</i> – ваҳимага тушмоқ; <i>se calciner le sang</i> – ҳовлиқмоқ;
2) Хусусий, яъни ички қалб ҳис-туйғуларидан келиб чиқадиган эмоциялар:	<i>voir la vie en rose</i> – ҳаётга қулиб боқмоқ; <i>se porter comme le Pont-Neuf</i> – ўзини соғлом ҳис қилмоқ; <i>être venimeux comme un serpent</i> – заҳарханда бўлмоқ;
3) Субъектнинг ташқи ҳолатида намоён бўлувчи эмоциялар:	<i>rester bouche bée</i> – ҳайратдан оғзи очилиб қолмоқ; <i>claquer des dents</i> – қўрқувдан қалтирамоқ; <i>rugir comme un lion</i> – шердек ўқирмоқ; ва ҳоказо.

Биринчи гуруҳдаги ЭФБлар теваарак атрофдаги ташқи таъсир натижасида пайдо бўлади, яъни субъектнинг *тушкунликка тушиш*, *бахтдан ҳузурланиш* каби психик ҳолатлари ўз-ўзидан эмас, балки маълум бир таъсир орқали содир бўлади. Иккинчи гуруҳдаги ЭФБлар ҳар бир кишининг ўзига хос индивидуал характер ёки хусусиятидан келиб чиқади. Бунинг учун ташқи таъсирнинг аҳамияти йўқ. Масалан,

ҳаётга кулиб боқиш, ўзини яхши ҳис қилиш ва заҳарханда бўлиш сингари ҳолатлар кишиларнинг индивидуал ҳаётида узоқ даврий жараён натижасида юзага келади. Учинчи гуруҳдаги ЭФБлар худди биринчи гуруҳдагиларга ўхшайди, бироқ уларнинг ташқи тасвири ташқи таъсир натижасидаги физиологик реакциялар орқали намоён бўлади. Масалан, *ҳайратдан оғзи очилиб қолиш, кўрқувдан қалтираш* кабилар. Субъектнинг юқорида келтирилганидек, коммуникантга бўлган психологик таъсири, психологик ҳолати, эмоционал-баҳоловчи муносабати кабилар унинг индивидуал эмоционал имиджини ҳам очиб беришга ёрдам беради.

Француз фразеологиясидаги мавжуд ЭФБлар мазкур тасниф асосида кузатилганда биринчи гуруҳга мансуб ЭФБлар 58-59* фоизни, иккинчи гуруҳдагилари 25-26 фоизни, учинчи гуруҳга хос ЭФБлар эса 16-15 фоизни ташкил этади. Ушбу натижа французча ЭФБлар аксарият ҳолларда теvarак атрофдаги ташқи таъсир натижасида пайдо бўладиган ва субъектнинг ақлий тафаккури орқали берилган баҳо натижасида пайдо бўладиган эмоцияларни ифодалашидан далолат беради.

Юқорида келтирилган фикрлардан шуни хулоса қилиш мумкинки, француз эмотив фразеологиясининг фонетик муаммолардан тортиб, антропоцентрик муаммоларигача бўлган ҳали ўз ечимини кутаётган кўплаб лисоний масалалар тадқиқотчиларни қизиқтириши шубҳасиздир.

Айнан француз эмотив фразеологияси доирасидаги мазкур тадқиқот учун фактик мисоллар сифатида тўпланган махсус ЭФБларни таҳлил қилиш мақсадида дастлаб уларнинг функционал хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда морфологик таркибини таснифий ва миқдорий жиҳатдан ўрганиш мақсадга мувофиқдир:

Эмотив ЭФБларнинг функционал турлари					Умумий сони:
Феълли ЭФБ:	Отли ЭФБ:	Сифатли ЭФБ:	Ундов ЭФБ:	Равишли ЭФБ:	
422та	66та	33та	27та	20та	568та
74 %	11 %	6 %	5 %	4 %	100 %

Мазкур морфологик таснифда биз асосан, А.Г. Назарян таснифига асосланган ҳолда фақат нокоммуникатив ва номинатив туркумдаги ЭФБлардан ҳамда ёрдамчи туркумдаги ундов ЭФБлардан фойдаландик. Зотан, А.Г. Назарян таъкидлаганидек, ундов ЭФБларнинг барчаси эмотивлик хусусиятини тўлиқ акс эттиришга қодирдир (Назарян, 1987: 61). Масалан, *Que diable! – Жин урсин! Mille bombes! – Минг лаънат! Sur ta foie! – Чин сўзим! / Ўлай агар! Fi donc! – Жонга тегди! Haut les coeurs! – Жоним билан!* каби ундов ибораларнинг барчаси эмоционал характерга эга. Кўриниб турибдики, француз фразеологияси таркибида мавжуд ЭФБларнинг 74 фоизини вербал, 11 фоизини номинатив, 6 фоизини адъектив, 5 фоизини ундов ва 4 фоизини адвербиал ЭФБлар ташкил этади.

Шу ўринда Л.Г. Бабенко (1989) ва И.Б. Косициналар (2004) томонидан “эмотив лексика” тушунчаси асосида тилдаги лексик бирликларнинг 6 хил грамматик тури (яъни *эмотив феъл, от, сифат, равиш, ҳолат категориясини ифодаловчи эмотив сўзлар* ва *эмотив киритмалар*) алоҳида ажратиб кўрсатилганини ҳамда улар орасида феълнинг энг етакчи эмотив лексик бирлик сифатида тавсифланганини қайд этиш лозим.

* Французча ЭФБлар таркибида полисемик ЭФБларнинг мавжудлиги сабабли фоизларни аниқ кўрсатишнинг имкони йўқ.

Номинал ЭФБлар ички ҳис-туйғу ва эмоционал ҳолатларни ифодаловчи ФБлар ҳисобланиб, улар тўғрисида қўйидаги умумий маълумотларни келтириш мумкин. Яъни улар асосан, эмоционал мавҳумлик тушунчасини қамраб олади. Масалан: *le cœur en fête* – хушқайфият; *mélancolie noire* – ғам-қайғу; *dépité amoureux* – ишқий ранж-алам; *colère jaune* ва ҳоказо. Бироқ кам сонли бўлсада, аниқ эмоционал тушунчаларни ифодаловчи ЭФБлар ҳам мавжуд бўлиб, улар икки хил эмоционал ҳолатни тасвирлаш воситаси сифатида хизмат қилади, яъни 1) инсон ташқи кўринишидаги хусусий физиологик ўзгаришларни ва 2) инсон ташқи кўринишининг умумий ҳолатини. Масалан: *le sang aux yeux* – қонга тўлган кўзлар; *figure de papier mâché* – қурқувдан оқарган юзлар; сингари ЭФБлар хусусий физиологик ўзгаришларни, *humeur noire* – тушқун кайфият; *un bon moment* – яхши кайфият; *la mine grise* – ғамгин кўриниш; *raquet de nerfs* – асабий / жиззаки инсон; кабилар умумий эмоционал ташқи ҳолат кўринишларини ифодалаб келади.

Бундан ташқари, эмоционал ҳаракат номларини ифодалаш жараёнида ҳам номинал ЭФБларнинг ўзига хос турлари мавжуддир. Улар аксарият ҳолларда соф эмоционал ҳаракат тушунчасини намоён этади. Масалан, *méchante mine* – ғазабли қараш; *la mort dans l'âme* – ич-ичидан титраш; *sourir jaune* – мийиғида кулиш; шулар жумласидандир. Шунингдек, яширин тарзда ҳосил бўладиган ички ҳис – туйғулар, яъни ички кечинмаларни ифодалашда ҳам айнан ЭФБлар анча сермахсулдир. Масалан: *coup de foudre* – бир қарашда севиб қолиш; *esprit d'aventures* – орзуманд севги; *la mort dans l'âme* – қалб оғриғи (изтироб); *mauvais joie* – ичи қоралик; *sueur froide* – кучли қўрқув; *peur noire* – ваҳима.

Маълумки, инсонлар руҳий ҳолатини ифодалашда асосан, **вербал ЭФБлар** доминантлик қилади ва уларнинг (вербал ЭФБларнинг) таркибий ички системасига назар ташланса *avoir* – эга бўлмоқ феъли 104та; *être* – бор бўлмоқ феъли 81та; ва *faire* – бажармоқ феъли 46та ЭФБларни ҳосил қилади. Қолган 191та вербал ЭФБларни эса *prendre, sentir, aller, mettre, donner* ва бошқа феъллар ташкил этади. Умуман олганда, француз тилидаги *avoir; être*; ва *faire*; феъллари ҳар қандай соҳада ўзларининг ибора ҳосил қилиш хусусиятлари орқали бошқа ёрдамчи феъллардан ажралиб туради ва эмоционал мулоқот жараёнида ҳам уларнинг етакчи ўриндалиги кўзга ташлангани боис энг фаол фразеологик феъллар саналади.

Дарҳақиқат, ЭФБларнинг асосий қисмини феълли бирликлар (вербал ЭФБлар) ташкил этиши ҳам бежиз эмас, албатта. Зотан, кишиларнинг психологик фаолияти айнан турли хил ҳаракат ва ҳолатлардан иборат экан, феъл сўз туркумининг мантиқий тавсифига хос *ҳаракат, ҳолат* ва *жараён*ни ифодалаши боис вербал ФБлар эмоционал мулоқот жараёнининг марказий унсури бўла олишга тўлақонли ҳақлидир.

Вербал ЭФБлар эмоционал мулоқотнинг энг фаол иборалари эканлигига асосланган ҳолда уларни нутқнинг энг ҳис-туйғуга бой ҳолатларини ифодалаб, турли хил эмоцияларни намоён қилиш хусусиятига эғалигини алоҳид таъкидлаш лозим. Агар биз, ушбу масалага академик Л.М. Василевнинг ҳиссиёт феъллари тўғрисидаги қарашлари нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда ёндашсак, вербал ЭФБларни ҳам мантиқий ёндашув асосида эмоционал мулоқот жараёнидаги 1) *эмоционал ҳолат*; 2) *руҳий ички кечинма*; ва 3) *эмоционал муносабат*; тушунчаларини ифодаловчи ФБлар гуруҳига ажратишимиз мумкин бўлади. Масалан:

1) эмоционал ҳолат: *sortir de ses gonds* – ғазабдан ўзини йўқотмоқ; *être sur le pied gauche* – тўнани тескари киймоқ; *avoir le rouge au front* – уятдан қизармоқ;

2) руҳий ички кечинма: *avoir le coeur déchiré* – юраги эзилмоқ; *avoir une peur bleue* – жони халқумига келмоқ; *faire la joie de ...* – таскин топмоқ;

3) эмоционал муносабат: *avoir un sentiment pour qn.* – кимнидир севиб қолмоқ; *être en sympathie avec qn* – кимнидир ёқтириб қолмоқ; *faire les yeux doux à qn.* – бировга муҳаббат кўзи билан қарамоқ.

Биринчи турдаги – эмоционал ҳолат мазмунини қамраб оладиган ЭФБлар ўзига хос интенсивлик хусусиятини ҳам акс эттира олади. Масалан, ғазаб эмоциясини олсак, айрим тадқиқотчилар (Харламова, Шушмарченко, 2022) таъкидлаганидек, ушбу эмоция бошқа салбий эмоциялар сингари интенсивлик даражасига эга, яъни кишида оддий қалтирашдан бошлаб, ўзини бошқара олмайдиган даражадаги кучли дарғазаблик ҳолатини ифодалайди. Ғазабланишнинг энг асосий актуализатори эса бақириш бўлиб ҳисобланади. Бу ҳолатда киши албатта, ўзини бошқариши анча қийин кечади. Бақириш ҳолати айрим тадқиқотларда таъкидлаганидек, ғазаб, қўрқув, азоб ва ҳаяжон каби таянч эмоцияларнинг қўшимча аксессуар актуализатори бўлиб ҳисобланади (Сувонова, Долиева, 2022).

Ушбу изланишимиз натижасида француз фразеологиясида таҳлилга торитилган мавжуд вербал ЭФБлардан 350дан зиёди эмоционал ҳолатни, 30дан зиёди руҳий ички кечинмани 30дан зиёди эса эмоционал муносабатни ифодалаши кўзга ташланади. Бу эса француз фразеологиясида кишилар руҳий манзарасининг айнан эмоционал ҳолат тасвири жуда хилма-хил вербал ЭФБлар орқали ифодаланишидан далолат беради.

Маълумки, эмоциялар қисқа муддатли психологик реакциялар бўлиб, кишининг кайфиятига, ташқи физиологик ҳолатига ва соғлигига таъсир кўрсатишига қараб *салбий*, *ижобий* ва *нейтрал* каби турларга бўлинади.

Юқоридаги таҳлилий фикр-мулоҳазаларни ҳамда фактик мисоллар асосида олиб борилган тадқиқий изланиш натижаларини умумлаштирган ҳолда қуйидагича хулосаларни келтириш мумкин:

Француз фразеологиясида мавжуд ЭФБларнинг функционал-семантик хусусиятларига кўра вербал ЭФБлар энг доминант ФБлар саналади ва улар эмоционал мулоқот жараёнида ҳиссий феъллар каби 1) *эмоционал ҳолат*; 2) *руҳий ички кечинма*; ва 3) *эмоционал муносабат*; тушунчаларини тўлиқ акс эттира олади.

Агар номинал ЭФБлар психологик эмоционал ҳолат турларига кўра таснифланса, улар аксарият ҳолларда *ғамгинлик* ва *ғазаб* тушунчасини, айрим ҳолларда эса *қўрқув*, *хурсандчилик*, *ёмонлик* ва *муҳаббат* каби тушунчаларни ифодаловчи фразеологизмлардан иборат эканлиги намоён бўлади.

Эмотив маънолар тадқиқи фалсафа, психология, физиология, маданиятшунослик, когнитология ва тилшунослик каби фанлар оралиғида анъанавий тарзда тадқиқ этиладиган эмоцияларни ўрганишда ўзига хос илмий-назарий аҳамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ashurov Sh., Suvonova N. Linguistic, Psychological and Theological Interpretation of “White” Colour (in the example of the French and Uzbek languages) / Journal of Positive School Psychology 2022, – Vol.6, – No.4, 9550–9560. Scopus Source: <https://www.scopus.com/sourceid/21101044228>

2. Baider F. Saillane scalaire et métalangue sémantique naturelle : le sentiment Haine en contexte linguistique et cognitif (phraséologie et corps humaine) // Etude romanes de BRNO. 2012, – vol. 33, – ISS. 2, – PP. 171–188. <https://digilib.phil.muni.cz/handle/11222.digilib/125849>
3. Corradi E. Dire l'émotion dans l'oeuvre de Marguerite Duras : le corps et la voix. Thèse de doctorat en Littératures française et francophone, – 2011. <https://www.theses.fr/2011PA030155>
4. Cortès C. Phraséologie et corps humain. // Cahier du CIEL 1998-1999. – PP. 85–109. <https://www.yumpu.com/fr/document/view/21705257/phraseologie-et-corps-humain-etude-comparative>
5. Musinova T. Oralité littéraire dans la littérature française des années 30: Emotion du langage parlé dans les romans de L.-F. Céline. Thèse de doctorat en Littératures française – 2012. <https://www.theses.fr/2012MULH4231>
6. Апресян Ю.Д. Образ человека по данным языка: попытка системного описания // Вопросы языкознания – 1995. – № 1. – С. 37–65.
7. Бабенко Л.Г. Лексические средства обозначения эмоций в русском языке. – Свердловск: Из-во Урал. ун-та. 1989. – 184 с.
8. Балли Ш. Французская стилистика. – Москва: Иностранная литература, 1961. – 543 с.
9. Белая Е.Н. Теоретические основы исследования языковых и речевых репрезентаций базовых эмоций человека (на материале русского и французского языков). Автореф.канд.дисс. – Барнаул, 2006. – 24 с.
10. Гурская Л.Н. Структурно-семантические особенности фразеологических единиц с компонентами, обозначающими эмоции (на материале французского языка). Автореф.канд.дисс. – Москва, 2022. – 24 с.
11. Кононова П.Н. Национально-культурные особенности фразеологических единиц ФСП «Человеческое отношение» (на материале французского языка). Автореф. канд. дисс. – Москва, 2012. – 22 с.
12. Косицына И.Б. Лексико-семантическое поле «положительные эмоции» в английском языке (текстоцентрический подход). Автореф.канд.дисс. – Москва, 2004. – 20 с.
13. Луговая Н.В. Национально-культурные особенности фразеологических единиц реры психоэмоционального состояния человека (на материале французского языка). Автореф.канд.дисс. – Краснодар, 2007. – 20 с.
14. Маслова В.А. Коммуникативный подход к проблеме эмотивности текста // Коммуникативные аспекты значения. – Волгоград, 1990. – С. 148–156.
15. Назарян А.Г. Фразеология современного французского языка. Учебн. – 2-е издан.перер.и допол. – Москва: ВШ., 1987. – 288 с.
16. Новецкая Т.А. Концептуальная структура ФСП «эмоциональное состояние человека» во фразеологической подсистеме французского языка. Автореф.канд.дисс. – Москва, 2008. – 24 с.
17. Реформатский А.А. Введение в языкознание. – М.:Аспект пресс,1955. – 536 с.
18. Ройзензон Л.И., Авалиани Ю.Ю. Современные аспекты изучения фразеологии // Проблемы фразеологии и задачи её изучения в высшей и средней школе. – Вологда, 1967, – С. 68–82.

19. Сафаров Ш. Прагмалингвистика. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008. – Б. 201. / – 318 б.
20. Синельникова И.И. Эмотивные фразеологизмы французского языка в полевом аспекте. – Белгород: “Белгород НИУ”, 2013. – 188 с.
21. Сувонова Н.Н., Долиева Л.Б. Французча ономатопик феъллар иштирокидаги ибораларда инсон руҳияти тасвири // Ўзбекистонда хорижий тиллар. – 2020. – № 2 (31). – Б. 65–79. // Scientific-methodological electronic journal “Foreign Languages in Uzbekistan” <https://journal.fledu.uz>
22. Харламова Т.Д., Шушмарченко Е.А. Репрезентация эмоции «гнев» в романе К. Роулинг “Harry Potter and the prisoner of Azkaban” // Russian linguistic Bulletin 1 (29) 2022. – 160 – С. 158–161. DOI: <https://doi.org/10.18454/>
23. Хомякова Н.А. Эмотивные фразеологизмы в русском, французском и в английском языках: сопоставительный анализ. Автореф. канд.дисс. – Москва, 2008. – 24 с.
24. Шаховский В.И. Категоризация эмоций в лексико-семантической системе языка. Изд. 2-е, испр. и доп. М.: Изд-во ЛКИ, 2008. – 208 с.
25. Шаховский В.И. Лингвистика эмоций // Филологические науки. – 2007, – №5. – С. 3–13.
26. Шаховский В.И. Эмотивный компонент значения и методы его описания: Учеб. пособие. – Волгоград: Изд-во ВГПИ, 1983. – 96 с.